

ЯНГИ — 2014 ЙИЛ МУБОРАК БЎЛСИН!

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 1-yanvar, chorshanba № 1 (15743)

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ватандошларим, қадрдонларим!

Мана шу унутилмас, шукуҳли дамларда сиз, мўтабар отахон ва онахонларни, мунис опа-сингилларимизни, навқирон ўғил-қизларимиз, жажжи болаларимизни — барча-барчангизни қутлуғ қадамлар билан юртимизга кириб келаётган янги йил билан чин қалбимдан табриклаб, самимий тилақларимни изҳор этишни ўзим учун катта бахт деб ҳисоблайман.

Байрамона дастурхон атрофида жамулжам бўлиб ўтирган сиз, азизларни бағримга босиб, хонадонларингизга тинчлик, соғлиқ-омонлик ва хурсандчилик, тўкин-сочинлик ёр бўлишини, юртимиз янада обод бўлиб, янада чирой очиб равнақ топишини, барча-барча эзгу ниятларимиз ушалишини тилайман.

Бугунги кунда олдимизда турган буюк мақсадларимизга эришиш, тараққий топган демократик давлатлар қаторига кириш, ҳаётимизни янги босқичга кўтариш йўлида мамлакатимиз қўяётган амалий қадамлар, Ўзбекистонимизнинг халқаро майдонда обрў-эътибори юксалиб бораётгани барчамизга яхши маълум.

Яқунига етаётган 2013 йилнинг айна шу йўлда Ватанимиз тараққиётига, иқтисодийимизнинг барқарор ривожланишига, эл-юртимиз ҳаёт даражасининг юксалишига салмоқли ҳисса қўшгани, ҳосиятли ва баракали бўлганини шукроналик билан таъкидлашимиз лозим.

Бунинг далили сифатида жаҳон миқёсида ҳалибери давом этаётган молиявий-иқтисодий инқирознинг жиддий таъсирини қарамасдан, кейинги йилларда иқтисодийимизнинг ўсиш суръатлари 8 фоиздан зиёдни ташкил этгани ва бундай кўрсаткич дунёда камдан-кам давлатларда кузатилаётгани барчамизга чуқур мамнуният етказди.

Иқтисодийимизга жалб қилинаётган кенг қўламли капитал маблағлар ва чет эл инвестицияларининг ҳажми тобора ошиб бораётгани, шунинг ҳисобидан энг замонавий технологияларга асосланган юзлаб корхоналар, транспорт коммуникациялари, минг-минглаб янги уй-жойлар, инфратузилма объектлари барпо этилгани шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфасини тубдан ўзгартирмоқда, мамлакатимизнинг салоҳиятини янада ошириб, келажагимиз учун мустақкам пойдевор яратмоқда, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўтиб бораётган 2013 йилда аҳолимизнинг реал даромадлари 15,7 фоизга, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдори 20,8 фоизга ўсгани, инфляция даражаси 6 фоиздан ортагани, бозор ва дўконларимиз расталари тўкин-сочин бўлиб, кўзни қувонтираётгани, нарх-наво меъёрдан ошмагани — буларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифати юксалиб бораётганининг яққол далили ва исботи, десак, янглишмаган бўламиз.

Янги йилда ҳам айна шу сиёсатни изчил давом эттириш асосида аҳолимизнинг моддий аҳволи янада яхшиланиб, ойлик иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдори бу рақамлардан кам бўлмайди, деб барчангизни ишонтириб айтишга тўлиқ асосларимиз бор.

(Давоми 2-саҳифада)



Bayram shukhi

«Президент арчаси» — янги йил дебочаси

Пойтахтимизда «Президент арчаси» байрам тадбирлари бошланди

Янги йилда Қорбобо билан юзма-юз кўришишни, Қорқиз ва яна турли эртақ қаҳрамонларига кўшилиб байрамнинг сеҳрли оламига саёҳат қилишни хоҳламайдиган бола бўлмас керак. Ҳар йили юртимиздаги минглаб болажонларнинг ана шу истаклари рўёбга чиқади.

Анъанага кўра, байрам кунларида республикамизнинг барча ҳудудларида «Президент арчаси» тадбирлари ўтказилмоқда. Уларда кичкинтойларга қизиқар-

ли сахна томошалари намойиш этиляпти.

Тошкент шаҳри ва вилояти болалари учун асосий байрам шодиёналари «Туркистон» саройида ташкил этилди.

Икки кун давом этган «Президент арчаси» тадбирларида ўн уч минг нафардан зиёд бола қатнашди. Биринчи кун байрам арчаси атрофида меҳрибонлик уйлари ва болалар шаҳарчалари, SOS — болалар маҳалласи, гўдақлар уйи, оилавий болалар уйлари ҳамда мурувват уйлари тарбияланувчилари йиғилдилар. Янги йил арафасида бу болаларга махсус тайёрланган Президент совғалари ҳам

улашилди. Улар билан бирга, байрамга ота-онасининг қарамогидан маҳрум бўлган болалар, шунингдек, юртимиз озодлиги ва тинчлиги йўлида қурбон бўлган Ички ишлар, Мудофаа, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Республика Прокуратураси ҳамда Божхона кўмитаси ходимларининг фарзандлари ҳам тақлиф этилди.

(Давоми 2-саҳифада)

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

(Давоми, аввали 1-саҳифада)

Қадрли юртдошлар!

Бугун биз катта орзумидлар билан кутиб олаётган янги — 2014 йил ҳақида, барчамизнинг эътиборимиз марказида туриши зарур бўлган вазифалар ҳақида гапирганда, энг аввало, кўлга киритган ютуқларга маҳлиё бўлмасдан, бепарволик кайфиятига берилмасдан, эришган натижаларимизни танқидий баҳолаб, ҳаёт талаблари билан ҳамоҳанг бўлиб, кўзлаган истиқболимизга қадам қўйишимиз ниҳоятда муҳимдир.

Шу маънода, биринчи навбатда юртимизда тинчлик ва осойишталикни, меҳр-оқибат, миллатлараро тотувлик ва ҳамжихатликни, қўшниларимиз билан дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш, ҳар қандай

бало-қазоларни остонамизга йўлатмаслик, сарҳадларимиз дахлсизлигини кўз қорачиғидек асраш, бунинг учун Куролли Кучларимизнинг салоҳияти ва қудратини оширишга алоҳида аҳамият бериш — бугунги кунда нотинч замоннинг ўзи олдимизга қўяётган долзарб вазифалар қаторида сақланиши зарур.

Биз танлаган ва ўтган давр мобайнида ўзини тўлиқ оқлаган, чуқур ўйланган, жамиятимизни демократлаштириш ва ҳаётимизни эркинлаштиришга қаратилган ислохотларни чуқурлаштириш ва самарасини ошириш сиёсатимизни давом эттириш янги йилда барча дастурларимиз ва кундалик ҳаракатларимизнинг мақсадларига айланиши керак.

Шу борада замонавий корхоналарни ишга тушириш ҳисобидан иқтисодиётимиз-

да таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатларини ривожлантиришга кенг йўл очиб бериш, соғлиқни сақлаш, биз учун муҳим ўрин тутадиган таълим-тарбия соҳасини янги босқичга кўтариш, кенг кўламли бунёдкорлик ишларимизни давом эттириш янги йилда ҳам энг устувор вазифаларимиз бўлиб қолади.

Кириб келаётган 2014 йилнинг юртимизда «Соғлом бола йили» деб эълон қилинганини халқимиз катта мамнуният билан кутиб олгани ва кенг қўллаб-қувватлаётгани бу қарор эл-юртимизнинг олижаноб орзу-интилишларига нақадар ҳамоҳанг эканидан далолат беради.

Ҳақиқатан ҳам, болаларимизнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши, уларнинг бахту иқболини кўриш — ҳар

бир ота-она, ҳар қайси оиланинг энг улуғ ва муқаддас орзусидир.

Шу билан бирга, ҳаммамиз яхши тушунамизки, фақатгина жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук, замонавий билимга, ўз фикр ва қарашларига эга бўлган, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган янги авлодимизни камол топтириш — биз кўзлаган обод ва фаровон ҳаёт барпо этишнинг асосий гарови ва айтиш мумкинки, ҳал қилувчи шарт бўлиб майдонга чиқмоқда.

Айни шу ҳақиқатни чуқур англаб, «Соғлом бола йили» деб ном олган 2014 йилда ва келгусида ҳам бу масала, бу вазифа ҳам давлатимиз, ҳам жамиятимиз, барча-барча-

мизнинг доимо эътиборимиз марказида бўлиши лозим.

Азиз ва қадрли ватандошларим!

Янги йил кириб келишига санокли дақиқалар қолган мана шу ҳаяжонли дамларда барчамиз Яратганимиздан эзгу орзу-мақсадларимизнинг рўёбга чиқишини, хонадонларимизнинг қут-барақаси, файзини беришини чин қалбимиздан сўраймиз.

Кириб келаётган янги йилимиз юртимизга, барча-барча оилаларга бахту саодат ва омад келтирсин!

Ҳар биримизнинг пок ният ва тилаklarимиз ижобат бўлсин!

Ватанимиз тинч, халқимиз омон, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Янги йил барчамизга му-борак бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Bayram quvonchi

Янги йил байрами арафасида Тошкент ахборот технологиялари университети талабалари Олмазор туманидаги 1-Мурувват уйи тарбияланувчилари ҳузурга ошиқиди. Аслида, бу ишлар «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчиси Холбек Полвонов бошчилигида бир ой олдин режалаштирилган эди.

Меҳр улашиб

Мурувват уйидаги байрам тадбирида сўз олган Тошкент ахборот технологиялари университети ректори, профессор-ўқитувчилари болажонларни Янги йил билан табриклаб, эзгу тилаklarини билдиришди. Болажонларни мамлакатимизда ахборот-коммуникация ва технология янгилекларидан хабардор этиб, уларга компьютер синфхонасини ташкил этишда кўмаklarини аямасликларини айтиб ўтишди. Шунингдек, бу ерда республикамизнинг турли ҳудудларидан келиб тарбияланаётган 314 нафар ногирон болани ўқитиб, илм беришда сидқидилдан меҳнат қилаётган жамоанинг ишларини замонавий технологиялар орқали энгиллаштириш учун университет жамоаси ўз ёрдамини кўрсатишини таъкидлади.

Шу куни университет ёшлари ташаббуси билан ёзилган байрам дастурхони атрофида болажонларга байрам совғаси улашилиб, куй-қўшиқлар янгради. «Камолот»чиларнинг бир-биридан қизиқарли сахна чиқишлари болажонларга ўзгача завқ бағишлади. «Нихол» мукофоти совриндорлари ижросидаги шўх ва кувноқ қўшиқлар болаларга олам-олам қувонч улашди.

Довонлардан ошиб келган Қорбо бо билан Қорқиз ҳам болажонларга ўзларининг Янги йил совғаларини тарқатди.

Адҳам ДАМИНОВ

«Президент арчаси» — янги йил дебочаси

(Давоми, аввали 1-саҳифада)

Чироқлар бирин-кетин ўчирилган, залда сокинлик... Ҳамма ҳаяжонда. Ўнлаб қоракўзлар сахнага қадалган. «Ахир, сахна декорациялари билан томошабин нигоҳини ажратиб турган улкан парда ортида, албатта, қандайдир мўъжизали эртақ яширинган», деб ўйлайди ҳар бири ичида. Болаларнинг қалби зийрак бўлади ва ҳеч қачон алдамайди. Санокли сониялардан сўнг томоша бошланди. «Томоша» болалар ансамбли иштирокида сахналаштирилган Янги йил эртаги «Меҳрли дунё» деб номланди. Ота-она, дўсту яқинларга меҳр кўрсатиш, доимо яхшилик қилишга чақирувчи, дўстлик, садқоқат ва вафо каби инсоний фазилатлар улуғланган байрам спектакли кичкина томошабинларни бефарқ қолдирмади. Онгу тафаккури ана шундай эзгу ғоялар билан суғорилган ёш авлод, шубҳасиз, маънан соғлом ва баркамол бўлиб вояга етади. Шу ўринда бир таъкид: 2014 йил юртимизда «Соғлом бола йили» деб эълон қилинди. Янги йилга ўзига хос дебоча ясаган «Меҳрли дунё» эртаги сабаб қанчалаб болалар уни юрагида тўла меҳр ва муҳаббат билан қарши олишди. Зеро, бу икки туйғу ҳам инсон руҳининг соғлом ва поклигидан далолатдир.

Наргиза УМАРОВА,
«Turkiston» мухбири.

Носир Ҳайдаров олган суратлар.



Harakat xavfsizligi oyligi

Йўлингиз беҳатар бўлсин!

Қиш мавсуми йўловчи ва ҳайдовчиларни янада ҳушёрроқ бўлишга ундайди. Чунки ёғингарчилик, музлаган йўллар ҳар икки томоннинг ҳам ҳаракатланишида қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Шу боис ҳар йили қиш мавсуми бошланиши билан мамлакатимизда «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» ўтказилади. Жорий йилда ҳам ойлик доирасида мактаб ўқувчилари ўртасида туркум

мавзуларда тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Олтиариқ туманидаги 34-мактабда транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида «Йўл ҳаракати

қоидалари — умр фойдаси» мавзусида тушунтириш, тарғибот тадбири бўлиб ўтди. Унда Олтиариқ туман ИИБ ЙХХГ катта инспектори, сержант В.Мамажонов, маъмурий амалиёт инспектори, сержант У.Мелибоев ва «Автомотоҳаваскорлар» кенгаши ходими А.Комилов иштирок этиб, ўқувчиларга йўл белгилари ҳамда велосипедлар қаерда ва қандай

ҳаракатланиши ҳақида тушунчалар беришди.

Тадбир сўнгида иқтидорли ўқувчилар йўл ҳаракати қоидаларига рия қилмаган болаларнинг аянчли ахволи ва ўзбошимчаликнинг оқибатлари тўғрисида сахна кўриниши намойиш этишди.

Муҳаммаджон
МИРЗАЕВ

Олисдаги куйрукдан, яқиндаги ўпка яхши, дейишади. Халқимизнинг топиб айтган бу нақли бугун янада яққолроқ акс этаётгандай. Ёлгон ваъдаларга учиб, мўмай пул топанан, деб чет элга кетаётган ҳамюртларимиз орасида одам савдоси қурбонига айланиб қолаётганлар ҳам учрамоқда. Бугун глобал муаммога айланиб улгурган одам савдосидан огоҳ бўлиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Ҳадик билан ишлама, хотиржам ишла!

Қашқадарё вилояти «Ёшлар маркази»да ташкил этилган «Биз, ёшлар одам савдосига қаршимиз!» мавзудаги тадбир ҳам ёшларни одам савдосидан огоҳ этиш, унинг ғаразли мақсадларини тушунтиришга қаратилди. Унда ушбу тадбирни ташкиллаштирган вилоят прокуратураси, адлия, ички ишлар, ўрта махсус, касб-хунар таълими, халқ таълими, маданият ва спорт ишлари бошқармалари, «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши ҳамда Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлимининг мутасадди вакиллари иштирок этди. Улар ёшларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чоралари тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши кураш тўғрисида»ги қонунининг мазмун-моҳиятини тушунтириб, одам савдоси жиноятининг салбий оқибатлари, муаммо ва ечимлари юзасидан гапириб ўтди.

Тадбирда Қарши санъат коллежининг бир гуруҳ иқтидорли ўқувчилари «тенгдош тенгдошга» тамойилига таянган ҳолда «Одам савдоси — қуллик балоси» мавзудаги театрлаштирилган саҳна кўринишини ҳавола этди.

Мазкур тадбир «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати» тарғибот ойлиги яку-

нига бағишланган маънавий-маърифий концерт дастурига уланиб кетди. Унда тарғибот ойлиги доирасидаги тадбирларни юқори савияда ўтказишда яқиндан ёрдам берган бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда тарғиботчи талаба-ёшлар «Камолот» ЁИХ Қашқадарё вилояти кенгашининг ташаккурномалари билан тақдирланди.

— Тарғибот ойлиги юқори савияда ташкил этилиб, унинг доирасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мазмун-моҳияти, яратилиш тарихи, унинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида тушунчалар берилди. Ёшларнинг ҳақиқий суянчи ва таянчига айланган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан амалга оширилаётган бу каби тарғибот тадбирлари ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда — дейди Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўлими бошлиғи Ж.Орзиқулов.

Дарҳақиқат, ишлайман, деганга юртимизда ҳам иш топилади. Минг бир хавотир билан чет элда ишлаган қайдаю, оиланг даврасида, тинч, хотиржам ишлаганинг қаерда?

Маҳлиё ШУКУРОВА,
«Камолот» ЁИХ Қашқадарё
вилояти кенгаши бўлим мудир

Юксак шарафга муносиб бўлайлик!

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 22 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан 15 декабрдан 15 январга қадар юртимизда «Ватанпарварлик ойлиги» ўтказилмоқда. Ойлик доирасида ҳарбий қисмлар, таълим муассасалари, маҳаллаларда шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар, маънавият тарғиботчилари, фаол ёшлар иштирокида давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этиляпти.

Ана шундай тадбирлар Арнасой иқтисодиёт коллежи ва тумандаги саккизта мактабда ҳам бўлиб ўтди. «Камолот» ЁИХ Арнасой тумани кенгаши ва ҳарбий қисм ҳамкорлигида ўтказилаётган тадбирларда Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз Қуролли Кучлари

тизимда амалга оширилаётган ислохотлар туфайли миллий армиямиз куч-қудрати ошиб, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва халқимиз тинчлигини таъминлашнинг муҳим кафолатига айлангани таъкидланди. Шунингдек, ҳарбий хизматчи-

лар учун яратилаётган кенг имконият ва шароитлар, берилаётган имтиёзлар армиямиз салоҳиятини янада оширишга хизмат қилаётгани айтилди.

Ватанимизни ҳимоя қилиш, халқимиз осойишталигини таъминлаш ҳар бир йигит учун юксак шарафдир. Мана шу шарафга эга бўлиш учун ҳар йили минглаб ўғлонлар армия сафига отланмоқда. Ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кирмоқда.

Дилшод ЭРГАШЕВ,
«Камолот» ЁИХ
Жиззах вилояти
кенгаши етакчи
мутахассиси

Ўқувчилар ҳарбийлар даврасида

«Камолот» ЁИХ Фарғона вилояти кенгаши ёш авлодни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳарбий ўғлонларимиз эришаётган ютуқларни ибрат сифатида кўрсатиш мақсадида ҳарбий қисмда офицер ва ҳарбий хизматчилар билан учрашув ташкил этди.

Мазкур учрашувда Қува туманидаги касб-хунар коллежлари ўқувчилари ва «Камолот» фаоллари иштирок этди. — Болалигимдан ҳарбий бўлишни

орзу қиламан. Бугунги учрашувда Ватанимиз Қуролли Кучлари сафида шараф билан хизмат қилаётган акаларимни кўриб, ушбу юксак орзумга етишиш учун кучли иштиёқ пайдо бўлди, — дейди бўлажак аскар, Қува туманидаги қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи ўқувчиси Миродил Мадаминов.

Учрашув давомида ўқувчи-ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Ахрорбек БУРҲОНОВ,
«Камолот» ЁИХ Фарғона вилояти
кенгаши бўлим мудир

Юртимизда гожи етиштирилди

Хоразм вилоятининг Шовот туманидаги «Рўзимов Ҳаётбек» фермер хўжалигида мамлакатимиз иқлим шароитига мослаштирилган янги гожи ўсимлиги етиштирилмоқда.

Фермер хўжалиги раҳбари Рўзимбой Отажонов вилоятда таниқли селекционер олимлардан бири. У вилоятдаги боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари раҳбарлари учун амалий семинар-тренинглар ўтказиш ҳамда Урганч шаҳрининг марказий майдонини кўкаламзорлаштириш ишларига бошқош бўлмоқда. Тажрибали фермер ўзи етиштираётган гожи ўсимлиги ҳақида шундай дейди:

— Маълумотларга қараганда, Ҳимолай тоғи атрофида яшовчи халқлар ортиқча холестерин, депрессия (руҳий толиқиш)га учрамас экан. Шунингдек, улар орасида жигар раки, қандли диабет, юрак-қон томир касалликлари ҳам кузатилмайди.

Бир неча йил давомида Ҳимолай халқларининг узок умр кўриш сирларини ва овқатланиш тизимини ўрганган олимлар бунинг сабаби улар доимий равишда тоғ ёнбағрида ўсувчи гожи ўсимлиги ме-

васини истеъмол қилишидан, деган хулосага келганлар.

Мутахассисларнинг фикрича, гожи итузумдошлар оиласига мансуб, ёруғсевар, совуққа ва иссиққа чидамли ўсимликдир. У шўр тупроқда ҳам бемалол кўкариб, бўйи 2,5-4 метргача етади. Барглари эллипссимон ёки тескари тухумсимон шаклда, гуллари кўкимтир сиёҳ рангда, жуда ёқимли ҳид таратади. Меваси узунроқ (1,5-2,5 см), серуруғ ва тўқ қизил тусда. Май ойининг охиридан сентябргача гуллаб, июндан то кеч кузгача пишади.

Гожи мевасидан Хитой тибобатида қадимдан фойдаланилади. Бу ўсимлик XIII асрда маданийлаштирилган ва шифобахш хусусиятга эга. Меваси протеин ва витаминларга ниҳоятда бой. Унинг таркибида 19 хилдаги аминокислоталар, 21 хилдаги макро ва микроэлементлар, ҳатто озик-овқат маҳсулотларида кам учрайдиган германий элементи ҳам мавжуд.

Илмий текширишлар натижасида гожи мевасини истеъмол қилганда олти соатдан кейин инсон организми ҳужайраларида қарилик аломатлари тўхтаганлиги исботланган. Ҳар куни 10-20 граммдан истеъмол қилинса, организмни тетиклаштириб, руҳий таъсирларга чидамлилиги ҳамда об-ҳаво ўзгаришларига мослашувчанлигини оширади, қондаги холестерин миқдорини меъёрлаштириб, қанд даражасини пасайтиради, атеросклероз, диабет касалликлари ривожланишининг олдини олади, қаришдан, онкологик ва юрак-томир касалликларидан сақлайди.

— Ўсимлик уруғ ва қаламчалардан кўпаяди. Экилганидан кейин иккинчи йили қисман ҳосилга кириб, учинчи йили тўлиқ ҳосил беради. Меваси тўлиқ пишгач, ундан шарбат тайёрлаш ёки ва қуритиб истеъмол қилиш мумкин, — деб суҳбатни давом эттиради Рўзимбой Отажонов. — Гожи илк маротаба Самарқанд вилоятидаги Тайлоқ агротадбиркорлик касб-хунар коллежи ўқитувчилари томонидан мамлака-



тимиз иқлим шароитига мослаштирилди. 2010 йилда биринчи ҳосил олинди. 2012 йилда ўсимлик кўчатини синов тариқасида Шовот туманида экиб кўрдик. Натижа жуда яхши бўлди. Шу йилнинг май ойида туманимизда гожининг илк ҳосили тегиб олинди. Воҳамиз шароитида у ноябрга бориб, яъни экилган йилиёқ ҳосил берар экан.

АҚШнинг Канзас штати университети олимлари ўтказган клиник синовларда аниқланишича, гожи меваси таркибидаги зеаксантин, лютеин, полисахарид ва полифенол моддалари инсон

кўриш қобилятини яхшилайдди, ёшга боғлиқ кўз мокулодистрофияси, глаукома ва диабетик ретинопатиясининг олдини олади, артериал қон босимини пасайтиради, ички органларнинг қон билан таъминланишини яхшилайдди. Шунингдек, гожи меваси бош оғриғи, бош айланиши, уйқусизлик, қуруқ йўтал, ичаклар атониси каби хасталикларни даволашда қўлланилади. Саратон ва ОИТС билан касалланган беморларда иммунитетни кўтарди. Гожи ўсимлиги гўзал манзарали ўсимлик ҳамдир.

Эрпўлат БАХТ

Омаднинг олтин калити

Бугунги ёшлар қизиқишларининг чеки йўқдек туюлади. Орзу-истаклар рўёбга чиқиши учун нима керак? Табиийки, билим, ҳаракат ва ишонч. Бекобод шаҳрида туғилиб ўсган Олимжон Тўйчиев мустақиллик тенгдоши. Металлургиялар шаҳрида вояга етган қаҳрамонимиз шаҳардаги 3-мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ аниқ фанларни кунт билан ўрганди. Физика, математика, кимё фанларини ўрганар экан, ҳар кун шаҳардаги турли-туман русумдаги автомобилларни кўрганда унинг кўнглида автомобилларга, айниқса, автоматлаштирилган техникаларнинг янги-янги турларини яратишга иштиёқ пайдо бўлди.

— Бекобод шаҳридаги саноат касб-хунар коллежининг электромеханика йўналишида тахсил олганман, — дейди Олимжон. — Аслида, ҳали мактабда ўқиб юрган пайтларимиздаёқ бузук радио, телефон, электр асбобларини созлар, тўғриси, баъзида ишлаб турганларини ҳам бузиб, кейин уни қайтадан тuzатардик. Бу биз учун кичик тажриба вазифасини ўтарди. Физика фанидан лаборатория шароитида ўтказилган энг элементар амалий жараёнлар ҳам билимимиз ошишига хизмат қилган. Мактабда устозларим, уйда ота-онам қизиқишларимни, интилишларимни қўллаб-қувватлар, бу эса, мен учун катта рағбат эди.

Дарҳақиқат, оиладаги

муҳит ёш иқтидор эгасининг баркамол инсон бўлиб улғайишида муҳим аҳамиятга эга. Олимжон металлургия комбинатида муҳандис бўлиб меҳнат қиладиган отаси ёнида юрар, билмаганларини ундан ўрганарди.

Коллежда ўқиётганида Бекобод металлургия комбинатида амалиёт ўтаган Олимжон ўша пайтларни қониқиш билан эслайди.

— Комбинатнинг кислород цеҳи қурилаётган пайтда амалиётга бордик, — дейди у. — Шунда биринчи қурилиш жараёнини автоматлаштиришнинг қанчалик муҳимлигини амалда кўрдим. Агар оғир ишларни автоматлаштирилган тизим орқали бажарсак, қандай энгиллик бўларди-я, деб ўйладим

ўзимча. Масофадан бошқариладиган техникаларни саноатнинг барча соҳаларига татбиқ этиш мумкинлиги мени қизиқтириб қўйди. Лекин буни амалга ошириш осон эмасди.

Олимжон Тўйчиев астойдил ҳаракат қилди. Тошкентдаги Турин политехника университетига ўқишга кирди.

Олимжон машинасозлик технологиялари факультетида тахсил олди. Билимларини университетда ташкил этилган амалиёт лабораториясида мустақамлаб борди.

Қаҳрамонимиз ўқиш билан бирга, дарсдан бўш пайтларида футбол билан шуғулланади. Университетдаги «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилотининг спорт-соғломлаштириш йўналиши етакчиси ўз атрофига спортсевар тенгдошларини жамлаган. 2011 йилда университетда «Мехатроника маркази» иш бошлади. Бугунги кунда мехатроника каби механика, электроника, ахборот технологиялари ва бошқарув технологияларини ўзида жамлаган соҳани билмайдиغان ихтирочининг ўзи бўлмас керак. Шундан ҳам маълум бўладики, бугунги кун ихтирочиси учун битта соҳани билиш ёки тушунишнинг ўзи камлик қилади. Автоматлаштирилган техника робот яратиш гоёси қаҳрамонимизда анча олдин пайдо бўлган эди. Бу

ҳақда гапирганда у камтарлик билан ҳикоя қилди.

— Дунёда роботларнинг жуда кўп турлари яратилган. Бизнинг ихтиромиз ўзига хослиги билан ажралиб туради, — дейди Олимжон Тўйчиев.

— Робот лойиҳаси устида ишлаётганимизда шу пайтгача яратилган роботларнинг дастури асосан, инглиз тилида эканини пайқаб қолдим. Бир пайт, муҳокама қилинаётган пайтимизда ҳам, баҳс-лашаётганда ҳам ўзбек тилида гаплашаётганимиз эътиборимни тортди. Роботнинг ишлаш дастурига ўзбек тилини киритсак бўлмайди, деб ўйлаб қолдим. Фикримни жамонамиз ҳам қўллаб-қувватлади. Анча изланишларимиздан кейин овоз орқали масофадан бошқариладиган мобил тизим пайдо бўлди. Натижада инсон овози билан бошқариладиган бу тизим ўзбек тилида ишлайдиган бўлди. Ўзбек тилида бошқарилувчи бу роботдан саноатнинг барча соҳаларида фойдаланиш мумкин. Айниқса, инсон ҳаёти учун хавфли бўлган фавқулодда вазиятларда бу қурилма жуда асқотади.

Яқинда Конституциямиз қабул қилинганининг 21 йиллиги арафасида ёш ихтирочи давлатимизнинг юксак мукофотига муносиб кўрилди. Президентимизнинг «Юқори натижаларга эришган бир гуруҳ иқтидорли ёшларни мукофотлаш тўғриси-



Давлат мукофоти соvrиндорлари

да»ги фармонига биноан Олимжон Тўйчиев «Шухрат» медали билан тақдирланди.

— Бундай юксак эътирофга муносиб кўрилганим кутилмаган воқеа бўлди. Кувончли хабарни эшитганимизда, ҳатто ишонмаганимиз эдим. Биз, ёшларга кўрсатилаётган бундай эътибор мени жудаям руҳлантириб юборди. Кичкина изланишларим шунчалик катта мукофотга лойиқ кўрилиб, тақдирланганидан жуда мамнун бўлдим. Бундай гамхўрликка жавобан изланишларимни янада жалдлаштириб, юксак ниятларини забт этиш ниятидаман, — дейди Олимжон. — Куч-ғайратимни юртимиз равнақи йўлида сарфлашга, фойдали ихтиролар қилиб, Ватанимизнинг довруғини дунёга таратишга ҳаракат қиламан.

Дилбар ХУДОЙБЕРДИЕВА,
«Turkiston» мухбири.
Сардор Муллажонов олган сурат.

Yosh ixtirochi

Асабни тинчлантирувчи ручка

У аввалгиларидан анча фарқ қилади...

Сиз ёзаётган ручкадан таралаётган ифор хушбўй бўлса ва кайфиятингизни кўтарса, қандай яхши. Сирдарёлик тенгдошимиз Адҳам Жўраев яратган ручка ҳам ана шундай хусусиятга эга: ифор таратади, лекин унинг аввалги хушбўй ҳид таратадиган ручкалардан фарқи бор.



Биз бу ҳақда эшитгач, тенгдошимизнинг олдида шошилдик. Адҳамбекнинг айтишича, ушбу ихтирони яратгунга қадар илмий-амалий изланишлар олиб бориб, қатор қўлёзма ва электрон манбалардан фойдаланган. Хўш, бундай ручка яратиш гоёси қандай пайдо бўлди? Ушбу ручканинг сиёҳи нимадан тайёрланади? Бу ҳақда ёш ихтирочидан билиб олдик.

— Бирор ишни бошлашдан

олдин унинг гоёси туғилади, — дейди Адҳамбек Жўраев. — Гоё мақсадга, мақсад эса амалий ишга қаратилади. Давра суҳбатларида, телефондаги мулоқотларда, яқинларим билан дилдан суҳбатлашаётган пайтимда тутилиб қолардим. Гоҳида бундан асабийлашиб, хижолат тортардим. Шундай кунларнинг бирида асабни тинчлантирувчи ручка яратиш фикри пайдо бўлди. Бунинг учун юртимизда кенг тарқалган дори-

вор ўсимликлар, гуллар ва мевалардан олинган эфир мойлари асосида нафис ифор таратувчи сиёҳлар ишлаб чиқаришни олдимга мақсад қилиб олдим. Ўсимликлар таркибидаги эфир мойлари халқ табобатида асаб системаси билан боғлиқ бир қанча касалликлар, юрак фаолияти, овқат ҳазм қилиш системаси бузилишида, қон босимини туширишда, тиш ва миллар оғриганда қўлланилади. Айниқса, шафтоли, мали-

на, лимон, апельсин, мандарин каби мевалар ҳамда атиргул, бинафша ва бошқа бир қанча гуллардан ажратиб олинган эфир мойлари инсон саломатлигига жуда фойдали. Ўсимликлар таркибидаги эфир мойларининг асосий таркибий қисми алифатик ва ароматик спиртларнинг мураккаб эфирларидан иборат. Интилишлар, изланишлар натижасида асабни тинчлантирувчи, юрак-қон томирлари касалликларининг олдини олишга ёрдам берадиган янги бир сиёҳли ручка ихтиро қилдим.

Ҳозир ёш ихтирочи лойиҳа учун патент олиш арафасида. Ушбу асабни тинчлантирувчи ручка ишлаб чиқарилса, Адҳамбекка ўхшаган кўплаб имконияти чекланган инсонларга фойдали бўлади. Лойиҳанинг умумий қиймати 280 миллион сўмни ташкил этади. Лойиҳа асосида ойига беш минг дона ручка ишлаб чиқариш мумкин.

Табиий эфир мойларининг инсон саломатлигига ижобий таъсир этишини замонавий тиббиёт ҳам тасдиқлайди. Шу

боис ушбу тадқиқотдан кутиладиган натижа катта.

Тенгдошимиз ҳаракатдан тўхтагани йўқ. Ўз мақсадига эришиш учун 2011 йилда «Менинг бизнес гоём» танловининг республика босқичида қатнашиб, «Қишлоқда сервис соҳасини ривожлантириш» номинацияси ғолибига айланди. Жорий йилда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкил этган иқтидорли ёшлар республика кўрик-танловининг финал босқичига йўлланма олди. Шунингдек, ёш олимлар ва талабаларнинг «XXI аср — интеллектуал авлод асри» шиори остида ўтказилган республика илмий-амалий анжуманида «Табиий эфир мойларини ажратиш олиш усуллари» мавзусидаги илмий мақоласи билан қатнашди.

Ватанимиз равнақи йўлида ўз хиссасини қўшишга интиладиган бундай ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз зарур. Негаки, уларнинг ҳар бир янгилиги шу юрт, шу халқ учун хизмат қилиши аниқ.

Элёр ЖўРАЕВ

ЙЎЛИНГ ДОИМ ОҚ БЎЛСИН, ОҚГУЛ!

У корта тушиб келаётганда мағрур қадам ташлайди.

Агар спортда нафосат билан шижоатни, малоҳат билан мардонаворликни уйғун ҳолатда кўраман, десангиз унинг ўйинларини томоша қилинг. Нигоҳидаги болаларча беғуборлик ва маъсумлик кортада мислсиз шиддатга айланади.

Ҳар бир спортчининг рақибларига «аталган» ўзига хос «қурол»лари бўлади.

Теннисда бу унчалик кўп эмас. Опа-сингил Вилиамслар ўзларининг жисмоний қувватлари, кучли зарбалари билан рақибларидан ажралиб турса, Мария Шарапованинг кутилмаган қарорлари, ўйин услубини кескин ўзгартириш қобилияти рақибларини шошириб қўяди. Теннис бўйича Ўзбекистон аёллар терма жамоаси аъзоси, Осиё чемпиони, ўнлаб халқаро мусобақалар совриндори Оқгул Омонмуродованинг устунлиги — унинг ўйинга бор вужудини бера олиши, меҳнаткашлиги. Айнан мана шу хислатлари эвазига у жаҳон теннис маликалари қаторидан ўрин эгаллай олди.



БАСКЕТБОЛДАН ТЕННИСГА

1984 йил 23 июнда Тошкент шаҳрида таваллуд топган Оқгул Омонмуродованинг теннисга кириб келишининг ўзи қизиқ бўлган. Ким биласиз, буви уни теннисга қизиқтирмаганида, уни маҳаллий клубга олиб бормаганида Оқгулни бугун теннисчи эмас, баскетболчи сифатида билармидик. Гап шундаки, ўн ёшли, сочлари жама-лаккина қизалоқни баскетбол ўзига ром этган эди. Ҳаваскорлар майдончасида ўзидан катта ёшли болалар ва қизлар билан ҳам ўйнаб кетаверар экан, унинг қалбида баскетболга нисбатан қизиқиш уйғонди.

— Оқгул, сен биздан бўласан, — дейишарди маҳалладошлари ўзаро бўлиниб ўйнашаётганда.

— Йўқ, Оқгул бизники, — дерди иккинчи томон.

Бора-бора, қизиқиш мақсадга айлана борди. Ўйинларига кўзи тушган мураббийлар уни мамлакат ўсмирлар терма жамоасига ҳам таклиф этишди. Фақат сўнгги дақиқалардагина Оқгул бу таклифни рад этишга мажбур бўлди. Чунки... Бу вақтга келиб унинг хаёлини катта теннис ҳам банд эта бошлаган эди.

Бугун бу қизнинг бўй-бас-тига қараб, бўлгандаям ёмон баскетболчи бўлмасди лекин, дейиш мумкин. Бироқ унинг тақдирига ўн ёшидан катта теннис билан шуғулланиш, кўп ўтмай профессионал бўлиш, минглаб теннисчи қизлар орасида жаҳоннинг сара етмишта спортчиси қаторига кўтарилиш, ўнлаб мусобақаларда зафар кучиш сингари муваффақиятлар битилган экан. Ким билсин,

жажжи юрагида спортнинг бу турига ҳавас ва меҳр уйғотган буви ҳам она қалби билан бу муваффақиятларни ҳис қилгандир яхши ниятлар билан...

2000 йилдан профессионал фаолиятини бошлаган Оқгул Омонмуродова муваффақиятлар чўққисига зинамазина чиқиб борди.

ОҚГУЛНИНГ ЗАФАРЛАРИ

Ўн олти ёшида профессионал мақомига етган Оқгул ўн етти ёшидан бошлаб Ўзбекистон терма жамоасига жалб этилди.

Ёш теннисчининг номи ҳали мамлакатга энди-энди танила бошлаган, жаҳонда унинг иқтидори ҳали маълум эмас эди. 2002 йилни у дунё теннисчи-

Халқаро мусобақалардаги муваффақиятлари нафақат мамлакат тенниси ривожига қўшилган ҳисса, балки унинг шахсий кўрсаткичларининг яхшиланишида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Натижада у йилни жаҳон теннисчилари орасида 405-ўринда яқунлади! Ўн тўққиз яшар ўзбекистонлик теннисчи бир йил ичида тўрт юздан зиёд рақибларини ортда қолдиришга эришди.

XI асрнинг ўтган йиллари мобайнида жаҳон теннисида юзлаб спортчилар порлади. Рожер Федерер, Рафаэл Наддал, Новак Жокевич, Венус ва Серена Вилиамслар, Анастасия Мискина, Мария Шарапова, Жюстен Энен Арден... Улар билан кортада юзма-юз келиш учун ҳам спортчи юксак поғоналарда бўлиши, улар билан тенгма-тенг курашиш учун тинимсиз тер тўкиши шарт эди. Жаҳоннинг энг номдор теннис усталари қаторидан ўрин эгаллаш учун Оқгул тинимсиз меҳнат қилди. Теннис юлдузларининг ўйинларини ўрганди, машғулотларда тер тўқди. Осиё чемпиони бўлиб, юртимиз байроғини баланд кўтарди. Нуфузли мусобақаларда зафар кучди ва йилдан-йилга рейтингда юқорилаб борди. Мана, қаранг: 2004 йил 359-ўрин, 2005 йил 192-ўрин, 2006 йил 227-ўрин, 2007 йил 95-ўрин, 2008 йил 81-ўрин, 2009 йил 85-ўрин, 2010 йил 69-ўрин...

Оқгул Омонмуродова фаолиятида мусобақаларнинг жуфтлик беллашувларидаги ғалабалар ҳам салмоқли ўрин тутди. У Буюк Британиянинг Истборн (2009 йил), Франциянинг Страсбург (2011 йил) шаҳарларида ўтказилган халқаро турнирларда шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олган. «Улкан тож» туркумига кирувчи қатор нуфузли

мусобақаларда иштирок этган, кучли теннисчиларга муносиб қаршилик кўрсатган. Мамлакатимиз терма жамоаси таркибида Ёзги олимпиада мусобақаларида иштирок этган (2008 йил, Хитой), Осиё ўйинларида кумуш медалга сазовор бўлган (2010 йил, Хитой).

Теннисчимиз учун 2013 йил ҳам ёмон бошланмаган эди. У йил аввалида Таиланднинг Паттай шаҳрида ўтказилган WTA (Хотин-қизлар теннис уюшмаси)нинг навбатдаги мусобақасида жуфтлик бахсларида финалга чиқди. Бироқ май ойига келиб, у тирсагидан жароҳат олди ва мусобақаларда вақтинча иштирок этолмади.

У ҲАЛИ МАЙДОНДА

Оқгул Омонмуродова — мамлакатимизнинг энг кучли ва иродали спортчиларидан. Халқаро майдонда эришган ютуқлари, тенгдошларига кўрсатган ибрат намунаси эътибордан четда қолмади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллиги арафасида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши қарори

билан унга «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони топширилди.

— Олдимизда кўплаб мусобақалар бор, — дейди қаҳрамонимиз. — Насиб этса, келгусида бундан ҳам юқори натижаларга эришиб, нуфузли мусобақаларда Ватанимиз байроғини янада баланд кўтариш мақсадим бор. Давлатимизда Президентимиз раҳнамолигида яратиб берилган имкониятлардан самарали фойдаланиб, биз, Ўзбекистон ёшлари яна ҳам кўпроқ меҳнат қилишимиз, интилишимиз, эришган ютуқлар билан чекланиб қолмаслигимиз керак. Шундагина юртимиз ва халқимиз олдидаги қарзимизни узган бўлаемиз.

Янги 2014 йилга ҳам қадам кўйдик. Ҳар биримизнинг ҳаётимизда янгиланишлар, ижобий ўзгаришлар рўй беради, насиб этса. Жумладан, спортимизда ҳам улкан зафарлар йили бўлишига ишонамиз. Жумладан, Оқгул Омонмуродова ҳам ҳали кўп ғалабалари билан ўз мухлисларини хурсанд этади.

Элмурод НИШОНОВ,
«Turkiston» мухбири

«TURKISTON» МАЪЛУМОТНОМАСИ

Оқгул Омонмуродова, 1984 йил 23 июнда Тошкент шаҳрида туғилган.

Профессионал фаолиятини бошлаган йили: 2000 йил.

Бўйи 190 сантиметр, **вазни** 85 килограмм.

Ўнг қўли билан ўйнайди.

Энг юқори рейтинг: 69-ўрин (2010 йил).

Жуфтликдаги энг юқори рейтинг: 38-ўрин (2009 йил).

Энг катта ютуқлари: Осиё чемпиони — 2005 йил, Федерациялар кубоги ғолиби — 2008 йил, «Tashkent open», «Internationaux de Strasbourg» сингари нуфузли мусобақалар ғолиби, Чехия, Жанубий Корея, Таиланд, Ҳиндистон каби мамлакатларда ўтган мусобақалар, «Роланд Гаррос», АҚШ очиқ чемпионати, «Вимблдон», Австралия очиқ чемпионати каби «Улкан тож» туркумига кирувчи қатор мусобақаларда муваффақиятли иштирок этган.

ри орасида 816-поғонада яқунлади. Кейинги йил Оқгул учун анча омадли келиб, у қатор мусобақаларда иштирок этди ва очко жамғариб борди.

2003 йилнинг марти юрдошимиз учун алоҳида аҳамиятга эга бўлди. У Ҳиндистонда ўтказилган халқаро мусобақанинг яққалик бахсларида биринчи совринини қўлга киритди. Шунингдек, ўша йилда унинг шахсий коллекцияси Марказий Осиё ўйинлари олтин медали билан бойиди.

Биринчи парага кечикканда...

— Бу нима деган гап, кап-катта йигит-қиз дарсга кечикиб келса-я? — деди жаҳли чиқиб домла. — Уят сизга, Олимова! Сизга ҳам уят, Тошўлатов!

Домланинг кўзойнаги ортидаги ўткир нигоҳи кечикувчиларнинг капалагини учирди. Боядан бери кечикса ҳам, марҳаматга ўрганиб қолиб, сал ёзилишиб турганлар ҳам жазавадан ҳайиқиб, миҳдек қотиб қолишди. Доим шовқин-суронга тўла аудиторияга эса кўз тегди.

— Азизова бугун мени ҳайратда қолдирди. Усмонов икки-сигина дарсга ўз вақтида келди.

Юзим ловиллаб ёнди, мақтовга на



хурсанд бўлишни билдим, на уялишни. Ахир, ҳар сафар биринчи паранинг ярмига келсам. Бугун қандай қилиб эрта келиб қолдим, ўзим ҳам ҳайронман.

Домла олдидаги қоғозга бир нималарни қоралади-да:

— Ҳозир ҳурмати учун уларга «беш» қўяман. Қани эди журнал? — деди ва бизни кутилмаган совға билан сийлади. Сўнгра кечикканлардан бирма-бир уй вазифасини сўра-

ди. Дарс давомида ёзма иш ҳам олди. Усмонов иккимиз эса жараённи жимгина кузатиб бордик.

Тўғриси, сизни билмадим-у, дарсда томошабин бўлиб ўтиришинг гашти ўзгача бўларкан. Зерикмадим, дўстларимга қараб бундан буёғига умуман кечикмаслик кераклиги ҳақида ўйладим.

— Азизова, — деди домла кутилмаганда. — Сиз Усмонов билан бирга имтиҳонда қатнашмасангиз ҳам майли. Ўз вақтида дарсга келганларинг учун сизларга «беш» қўяман...

Менинг нозик жойим ҳам шу имтиҳон эди, ундан ўтишимни эшитиб довираб қолдим. Севинчим ичимга сигмай кетди ва бир нарсалар деб бақариб юборибман.

— Гули, чўзилиб ётавермай тур! Яна биринчи парага кеч қолдик. Кўзимни очсам, қаршимда дугонам Лола ўтирибди. Соат эса тўққизни кўрсатяпти. Мен яна биринчи парага кечикдим. Боя кўрганларим ҳаммаси туш экан.

Кумар БЕГНИЯЗОВА,
ЎзДЖТУ магистранти

ТАЛАБА

talaba-tengdoshlarimiz sahifasi

Тланганинг икки томони

Пойтахт олий ўқув юртларидан бирида ўқийдиган дугонам менга шундай ҳикоя қилиб берди... Очиги, унинг сўзларига кулишимниям, куйишимниям билмай қолдим.

«Бир одатимиз бор: имтиҳон пайтида фақат «талабалар тили»да гаплашамиз, — деди у. — Қоидани ҳеч ким бузмайди, ҳамма бир-бирига ёрдам беради.

«Тил»имизни бошқалар, айниқса, домлалар тушунмайди. Бу эса бизга айна муддао. Чунки «тил» бизни жипслаштиради, имтиҳондан қоқилмай ўтишимизда асқотади.

Имтиҳонда кўпи билан йигирмата билет тарқатилади. Биз эса ропла-роса ўттиз беш нафар талабамиз. Табиийки, айрим билетларни такрор айлантирамиз. Шундай пайтда орамизда ўзимизга таниш, анъанавий саволлар учраб қолади. Масалан:

— Еттини ким яхши кўради?

— Ҳа, бирни-чи?

Кимда-ким шу рақамли билетни тортиб олса, яширмай айтади:

— Менга етти жуда ёқади. Бу Дэвид Бекхэмнинг рақами...

— Ҳа, бир яхшироқ, шекилли. Иккита бир, эслаб қолишга ҳам осон...

Шу тахлит сўз ўйини бошланади. Одатда, у шундай давом этади:

— Еттидаги биринчи нечанчида?

— Менимча, олтмиш иккида. Иккинчини билсанг айт менга!

Билетдаги учта савол, унинг китобдаги жавоби рақамлар орқали айтилади. Ҳамма домла ҳам буни илғайвермайди. Биз эса мақсадимиз амалга ошгунча ўйинни давом эттира-

миз. Бунга яна битта мисол келтирмакчиман. Масалан, биронтамиз тестнинг жавобини билмасак, шундай деймиз:

— Болалар, кеча стадионда футболни ўн учинчи «А» қатордан томоша қилганмидик? Эслай олмаяпман...

Бу талабача гаплашишнинг содда усули. Бундан ҳам қийин вазиятлар бўлган.

Баъзан китобдан саволга жавоб чиқмайди. Ўшанда биладиганлар бутун бошли жавобни айтишига тўғри келади. Анча қийин вазифа, аммо биз уни ҳам эплаймиз.

— Биласанми, дўстим, яқинда зўр кино кўрдим.

Журналистларга қўйиладиган талабларни билмоқчи бўлган шеригимизга шундай гап

бошлаймиз:

— Унда журналистларнинг касбий талаблари тўла-тўқис ёритилган. Ҳаққонийлик, тезкорлик, холислик, объективлик — ҳамма-ҳаммаси бор картинада...

Зийрак талаба буни дарров ёзиб олади ва яхши баҳо олади.

Унинг ҳикоясидан тушунишимча, имтиҳон олинаётган маҳал, талабалар бир-бирларига имо-ишора, турли «парол»лар билан ёрдам беришар экан. Бунинг ёмон томони йўқ, дерсиз? Лекин улар бу билан бир-бирларига дўстлик эмас, душманлик қилиб қўйган бўлишмайдимиз, сиз нима дейсиз?

Жайхуна ҲАМРОЕВА,
ЎзДЖТИ талабаси



Интернетдан кўчирилган

Оралиқ назорат ишлари топшириладиган пайт эди. Ўқитувчимиз ўтилган мавзулар бўйича реферат тайёрлаб келишимизни айтди. Албатта, ҳаммамиз уй вазифасини қўлдан келганча бажардик. Кимдир кутубхонада ишлади, яна биров танишларидан ёрдам сўради, бошқалар эса...

Навбатдаги дарсда баҳоларимиз эълон қилиниши керак, ўқитувчимиз эшиқдан дарғазаб бўлиб кириб келди. Сабабини англолмадик, албатта. Курсимиздаги бир йигитни ёзув тахтаси олдида чақирди, рефератини қўлига тутқазиб, кўрсатган жойидан ўқишни айтди. Ҳаммамиз диққат билан қараб ўтирибмиз, реферат психология фанидан тайёрланган; курсдошимиз ўқишни бошлади.

— Психология тўртта даврга бўлиб ўрганилади: илк уйғониш даври адабиёти; уйғониш даври адабиёти ва ҳоказо.

У ўқишни тугатмасданок талабаларнинг бари кулиб юборди. Бундан ўқитувчимизнинг баттар жаҳли чиқди.

— Биринчидан, бу кўр-кўрона кўчириш, иккинчидан, фан ўзлаштирилмаганининг далолати, учинчидан, бутун аудитория олдида уят, тўртинчидан, бу энг ёмони, кўчирилган маълумот ўқиб ҳам кўрилмаган, — дея хатоларни бирма-бир санаб берди. Кейин қўшиб қўйди:

— Интернетдан кўчирмакашлик мақсадида фойдаланиш нотўғри, интернетдан зарур маълумотларни олиб ўрганиш, уларнинг тўғрилигини текшириб кўриш лозим. Зеро, ҳозирги мана бундай кулгили ҳолатга бошқалар ҳам тушмасин. Интернет талабанинг хизматчиси эмас, балки ёрдамчисидир, шуни нутманг!

Шаҳноза МАТЌУБОВА,
ЎЗМУ талабаси

Текширувчи билан «бекинмачоқ»

Талабалар тураржойига текширувчилар келиши ҳақидаги овозани камида икки кун олдин эшитамиз. Бироқ, огоҳлантирилсак ҳам, негандир бунга унчалик эътибор бермаймиз. Фақат ўша вақтнинг ўзида, текширувчи хоналарни текширишга кирганида ёппасига қўзғаламиз.

Бир куни хотиржам дарс қилиб ўтиргандим, Алима хансираб чопиб келди.

— Тез хонани йиғишти-

риш керак, — деди у. — Текширувчи келаяпти.

Бундай пайтда биринчи кўриладиган чора — эшикни

кулфлаш. Дарров хонани беки-тиб олдик ва шоша-пиша йиғиштирдик. Кийимларни, китобдафтарларни тахлаб қўйдик. Беш дақиқада ҳаммасига улгурдик. Сал ўзимизга келгандай бўлдик. Чехрамиз ҳам очилди.

Бир маҳал эшик орқасидан овоз эшитилди. Текширувчи келди. Шунда эшикни мағрур очмоқчи бўлиб, хонага яна кўз ташладим. Капалагим учиб кетди. Қарасам, парданинг бир чети осилган, жавоннинг тутқичи йўқ.

Тақ, тақ, тақ... Алимага имо билан вазиятни тушунтирдим. Икки сония очмасликка келишиб олдик. Чироқни ўчирдим. Эшик роса тақиллади. Текширувчи қўшнилardan биз ҳақимизда сўради. Нақ бир соат қоронғида дамимизни чиқармай, яшириниб ўтирдик. Кейин у кетди. Бу вазият менга болаликда ўйнаган бекинмачоқ ўйинини эслатиб юборди.

Ойсанам МАТКАРИМОВА,
талаба

Ўғир сиртидаги ёзув



2009 йил кузида Сурхондарё вилояти Шеробод туманининг Ғоз қишлоғида ўқувчилар мактаб музейига Добилсой ёдгорлигидан топилган кели (тош ўғир)ни тақдим этишганда, кўпчилик бу ашёга, шунчаки тарихий экспонат-да, деб қараб, келининг сиртидаги ёзувга эътибор бермаганди.



Мактаб музейига келтирилган ноёб экспонат юмшоқ таркибли монолит тошдан ясалган, баландлиги йигирма икки, эни йигирма, чуқурлиги эса 12 сантиметр бўлиб, идишнинг ташқи тарафидан ўн учта пиктографик белгили ёзувлар мажмуаси жойлашган эди.

Тарих фанлари доктори, профессор Шопўлат Шайдуллаев мактаб музейидаги тарихий экспонатларни томоша қилаётганида антика кели тарихининг эътиборини тортди. Ноёб ашёни диққат билан кузата туриб, сиртидаги ёзувларга кўзи тушди. Ўша пайтда Ш.Шайдуллаев нечоғли кувонганини тасаввур этиш қийин эмас.

— Буюм сиртидаги ёзувларни кўргач, улар қадимги Бақтрияда пиктографик ёзувнинг ривожланиши тўғрисида янги маълумотлар беришини пайқадим, — дейди та-

рих фанлари доктори, профессор Шопўлат Шайдуллаев. — Чунки шунга ўхшаш топилгани кўп йиллардан буён излаётгандик.

Тарихчининг сўзларига кўра, Ўзбекистон ҳудудида ёзувнинг пайдо бўлиши тўғрисида сўнгги йилларда Сополлитепа маданият ёдгорликлари асосида янги маълумотлар тўпланди. Сополлитепа ёдгорлиги тўлиқ қазиб ўрганилган ва ундан йигирма тўққизта белги туширилган идишлар топилган.

— Шеробод туманидаги Жарқўтон ёдгорлигидан топилган сопол буюмларда пиктографик белги-ёзувларнинг такомиллашганини кўриш мумкин, — суҳбатни давом эттиради Ш.Шайдуллаев. — Бу даврда ҳам пиктографик белгилар сопол идишлар, хумлар, кўзалар

сиртига чекилган ва ҳозиргача уларнинг қирқ етти хили ўзбек археологлари томонидан аниқланган. Жарқўтон сополларидаги белгилар ўткир тигли асбоб билан ёзилган. Яна бир тафовутли жиҳат шундаки, бронза даврида Сополлитепа ва Жарқўтон ёдгорликларида пиктографик белгилар оддий, алоҳида битилган бўлса, Шеробод туманининг Ғоз қишлоғидан топилган тош ўғир сиртидаги ўн учта белги ёзув сифатида яхлит ифодаланган.

Айни пайтда мутахассислар мазкур ўғир сиртидаги ёзувлар бўйича изланишлар олиб боришмоқда.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
«Turkiston» мухбири

Қишлоқ аҳолиси учун қулайлик



ланган жамияти ҳам ибратли ишларни амалга ошираяпти.

— Туманимиздаги қишлоқ ва маҳаллаларда йигирмата савдо шахобчаси ишлаб турибди, — дейди жамият раиси Акмал Ҳамроев. — Биржа савдоси орқали олинган озуқалар, мавжуд шахобчалар орқали белгиланган нархларда истеъмолчиларга етказиб берилаяпти. Аҳолига қулайлик яратиш учун савдо-сотиқ тизими пластик карточкалар орқали ҳам олиб борилаяпти. Хонадонлардаги 83760 бош майда шохли ва қорамоллар учун шахобчалар ем маҳсулотлари билан етарлича таъминланган. Ҳозирда Миришкор, Жейнов, Авазчўл, Помуг, Чаманзор қишлоқларидаги озуқа-ем тарқатиш шахобчалари фаолияти яхшиланмоқда.

Вилоятнинг Қамаш, Яккабоғ, Касби, Миришкор, Нишон, Чироқчи, Китоб туманларида ҳам чорва молларини боқаётган чорвадорлар учун барча қулайликлар яратилган. Мухими, вилоятда чорвачилик билан шуғулланаётганларнинг сафи кенгайиб, чорва моллари сони кўпаймоқда. Бозорларда гўшт, сут, тухум бисёр. Маҳсулотлар эса сифатли ва арзон.

Шавкат КАРОМОВ

Бугун қай бир қишлоқ хонадонига борманг, барчасида чорва молларини учрата-сиз. Сут ҳам, қатиқ ҳам, гўшт ҳам ўзларидан. Бу ҳар бир оиланинг қўшимча даромад манбаи ҳисобланади. Қировли қиш кунларида чорва молларини озуқа-ем билан таъминлаш жуда муҳим. Олдинлари озуқа-ем сотиб олиш учун туман марказларига қатнаб юрган аҳоли эндиликда узоқларга сарсон бўлиб юрмайди.

Чунки аҳоли ихтиёридаги чорва молларини етарлича озуқа билан таъминлаш мақсадида вилоят омухта ем, шрот ва шелуха сотиш бирлашмаси, туманларда эса шу соҳага ихтисослаштирилган масъулияти чекланган жамиятлар, қишлоқ ва маҳаллаларда уларнинг шахобчалари ташкил этилди. Бунинг натижасида озуқа-ем маҳсулотларининг қишлоқ ва маҳалла хонадонларига арзон ва кечиктирмасдан етказиб берилиши таъминланаяпти.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг 2008 йилдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори юзасидан Қашқадарё вилоятида ҳам чорвадорларга хизмат кўрсатишни яхшилашга қаратилган барча чора-тадбирлар изчиллик билан олиб борилаяпти.

— Айни пайтда 13 та туман ва шаҳар жамиятлари тасарруфидаги шахобчалар орқали истеъмолчиларга хизмат кўрсатилмоқда, — дейди Қашқадарё вилоят омухта ем, шрот ва шелуха сотиш бирлашмаси раиси Шомурод Султонов. — Улар зарур жиҳозлар билан таъминланиб, касса аппаратлари ўрнатилган. Фермер хўжаликлари ва аҳоли учун керакли бўлган ем маҳсулотлари улгуржи ва чакана нархларда сотиляпти. Маҳсулотларнинг ёғ-мой ва дон

корхоналаридан шахобчаларга ўз вақтида етказиб берилиши аҳолига кенг қулайлик яратмоқда.

Қарши тумани омухта ем, шрот ва шелуха сотиш масъулияти чекланган жамияти бошлиғи Шамсиддин Камоловнинг таъкидлашича, 2013 йилда биржа савдолари орқали 1161 тонна омухта ем, 3517 тонна шрот, 2580 тонна шелуха сотиб олинди ва 954 тонна 600 килограмм омухта ем, 3236 тонна 700 килограмм шрот, 2470 тонна шелуха шахобчаларга етказиб берилди. Унинг 655 тоннаси фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалик корхоналарига нақд пул ва пластик карточкалар ҳамда пул ўтказиш йўллари орқали сотилди.

Қарши тумани омухта ем, шрот ва шелуха сотиш масъулияти чекланган жамияти 2014 йилда шахобчалар сонини янада кўпайтириш ниятида. Ҳар бир қишлоқ ва маҳаллада хизмат кўрсатиш тармоқларини очишни режалаштирган. Улар ердан ташқари, сомон ва беда сотишни ҳам йўлга қўйишган. Бу борада Миришкор тумани омухта ем, шрот ва шелуха сотиш масъулияти чек-



Қонун барчага баробар

Грециянинг транспорт ва коммуникация вазири йўл ҳаракати қоидаларини бузгани учун тўрт йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Аниқроғи, белгиланган меъёрдан тезликни оширган собиқ вабир Михалис Липис тўхта-тилганда, ҳайдовчилик гувоҳномасиз ва сохта давлат рақам белгиси билан транспорт бошқаргани маълум бўлди. Шунингдек, мамлакат суди Липиснинг машинаси суғурта қилинмагани боис, уч минг евро жаримага ҳам тортган. Собиқ вабир суд мажлисида виждони қийналгани сабаб келмаган. У тўрт йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Олов билан ўйнашган эди

Индонезиянинг Бали оролида тўрт метрли бўёма илон меҳмонхона қоровулини бўғиб ўлдирди.

Маълумотларга қараганда, 59 ёшли Амбар Арианто Мульйо меҳмонхона атрофида илонни кўриб қолади. Уни қувиб бориб, боши ва думидан ушлаб олади. Бироқ илон қоровулдан кучли бўлгани боис, уни йиқитади ва бўйнидан бўға бошлайди. Фалокат вақтида Мульйонинг ёнида бир қанча дўстлари ҳам бор эди. Бироқ улар кўрқиб кетганлари сабаб, ҳеч нима қила олмаган. Қоровулнинг бўйин умуртқаси синганидан сўнг илон Мульйони кўйиб юборди ва судралиб кўздан ғойиб бўлади. Ҳозирча илонни тутишнинг иложи бўлмаган. Полиция ходимлари сайёҳлар ва меҳмонхона хизматчиларини хушёр бўлишга ундамоқда. Сув питонларининг озуқаси кичик сутэмизувчи ва қушлар бўлса-да, баъзан бошқа питонлар ёки тимсоҳларга ҳам ҳужуми кузатилган.

Эзгулик қадрини билмаган

Мисрдаги қадимий Ал-Азҳар университетини талабалар ёқиб юборди.

Маълумотларга қараганда, бизнес факультетида имтиҳонлар бошланган вақтда ёнғин чиққан. Қишлоқ хўжалиги факультетига ҳам жиддий зарар етган. Тартибсизликларни Мисрдаги сиёсий тизимга қарши чиққан талабалар қилган. Полиция воқеа жойига етиб борганида талабалар қаршилигига учради. Натижада бир талаба ҳалок бўлди ва олти миш киши ҳибсга олинди. 988 йилда очилган Ал-Азҳар университетидан юздан ортиқ мамлакатдан талабалар таҳсил олади.

Энди янада қулай

Германиянинг «Audi» автоконцерни ва «Google» компанияси ҳамкорлик қилишини эълон қилди.

Эндиликда «Audi» моделлари мультимедиа тизимларини «Google» android платформасида ишлайдиган қурилмалар билан таъминлайди. «Google»нинг энг йирик рақобатчиси «Apple» бундан олдин «BMW», «Daimler» (Mercedes-Benz), «General Motors» ва «Honda» билан ҳамкорлик битимларини имзолаган ва натижада бу компаниялар маҳсулотларига ўз мультимедиа қурилмаларини ўрнатиб келаётган эди. «Audi» ва «Google» ўртасидаги битим асосида 2014 йилнинг баҳоридан машиналарга янги мультимедиа тизими ўрнатила бошланади.

Интернет манбалари асосида
Жавоҳир КАРОМатов тайёрлади



Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат

Тошкент шаҳридаги Мустақиллик майдонида давом этаётган Янги йил байрами тантаналари қордек оппоқ тилақларимиз, покиза орзу-ниятларимиз, болаларнинг беғубор, шодон кайфиятига ҳамоҳангдир.



Боксчиларимиз муваффақияти

Озарбойжон пойтахти Бокуда бокс бўйича бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги халқаро мусобақада терма жамоамиз вакиллари умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.

Ҳамюртларимиз учта олтин, битта кумуш ва учта бронза медаль билан юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишди. 69 килограмм вазн тоифасида спортчимиз Бектемир Мелиқўзиев қозоғистонлик Даулет Каби, украиналик Алексей Токарчук, озарбойжонлик Роман Зокиров каби спортчиларни енгиб, финалда россиялик Гусейн Гусейновни мағлуб этди ва биринчи ўринни қўлга киритди. Шунингдек, Маҳмуд Гойипов, Иқболжон Холдоров олтин, Музаффар Рашидов кумуш, Асилбек Солиев, Козим Камронов ва Беҳзод Турсунбоев бронза медалга сазовор бўлди.

Ундан ғалаба кутамиз

Австралиянинг Брисбен шаҳрида теннис бўйича «Brisbane International presented by Suncorp» халқаро турнири старт олди.

Мусобақанинг мукофот жамғармаси 452 минг 670 АҚШ долларидан иборат. Унда ҳамюртимиз Денис Истомин жуфтлик баҳсларида голландиялик шериги Игор Сийслинг билан бирга иштирок этади.

Жавоҳир КАРОМАТОВ,
«Turkiston» муҳбири

Барчага қизиқарли ва муҳим

«Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» илмий-маърифий журналининг навбатдаги сони нашрдан чиқди. Ундаги бош мақола халқимиз орзу-интилишларининг ижобатини ўзида мужассам этган, ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолати бўлган Конституциямизга, унинг юртдошларимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятига бағишланган.

Журналдан ўрин олган «Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг миллий тизими: Ўзбекистон тажрибаси», «Инсон ҳуқуқлари — Ўзбекистоннинг миллий бойлиги», «Миллатлараро ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик — тараққиёт омили» сингари мақолаларда Бош Қомусимизнинг миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат руҳини ўзига сингдирган, инсон феноменининг ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари олий даражага кўтарилган, фуқаролар ўртасида ҳамжиҳатлик, тенглик ва ўзаро хурмат ҳисси кафолатланган муҳим ҳужжат экани аниқ мисолларда ёритилган.

Шунингдек, журналда халқаро ҳуқуққа оид бир қатор долзарб мақолалар ҳам чоп этилганки, уларни мутолаа қилиш орқали миллий қонунчилигимизнинг жаҳон қонунчилигига интеграциялашувини кузатиш ва таққослаш мумкин.

Юртимизда эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги изчил ишлар мисолида намоён бўляпти. Ўзбекистон БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича қатор ҳужжатларига қўшилгани ҳам бунинг яққол далилидир. «Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларни суд амалиётида қўллашнинг айрим масалалари», «Ўзбекис-



тон Республикасида априль кўйиш ва уни тан олиш тартиби» каби мақолалар мутахассисларга муҳим маълумотлар беради.

Хайридин МУРОД

↙	... хавфсизлиги ойнаи	↙	Бош вазир (Германия)	↙	Эрнинг отаси келинга	↘		↘		↙	Ишчи	↘		↘	
↘						Қал-тироқ	Хизматчи аёл		Сонда бор... Вуқ	↙	...И. Мохи Хоса (тарихий обид)	Янги бил дарахти		Денгиз жонивори моллюска косаси	
	Шарипов (хонада)		365 кун	→		Қад... гавда		Дуглас Бербири (ёзувчи)	→			... эгасини топади		Дарс соати (жаргон)	
↘						Сув ўти, қамиш	↘				Саҳро, Муғлистон	↘			
	Талаффуз таффути		Зиёда	→				Сарой, қаср	→						
↘						... Савдиев (актёр)	→				Кимёвий элемент	→			
	Зардуштийлар китоби		Чақалоқ туйи	→				Умр йўлоғи	→						

Тузувчи: Фаҳридин Раҳимов

БИЛАСИЗМИ?

БИР ЖОЙДА ҚИШ, БИР ЖОЙДА САРАТОН

Юртимизда қиш, ҳаммаёқ қор. Биз бу беғубор фаслни кутиб олганимизга бир ой бўлди. Яъни юртимизда сайёрамизнинг Шимолий яримшарида жойлашган кўпгина мамлакатларда бўлгани каби қиш фасли декабрда бошланади.

Қизиги шундаки, Жанубий яримшарда бу ҳолнинг умуман тескарисини кузатиш мумкин. Яъни у ерларда қиш июнь-август ойларига тўғри келади. Шунингдек, у ерда яшовчи кишилар баҳорни сентябрда, ёзни декабрда, кузни мартда қарши олишади.

ТИЛ ҲАМ БИР МЎЪЖИЗА

Нигерияда 400 га яқин тил бўлиб, улардан фақат учтаси расмий тил сифатида қабул қилинган. Кенияда эса мавжуд 94 тилдан фақат биттаси шундай мақомга эга.

Шаҳзод АБРАҲМАТОВ тайёрлади

YON DAFTARCHANGIZGA

Ҳар бир инсон 120 йилдан ортиқ умр кўриши мумкин. Ҳар биримиз шахсий гигиена ва аниқ парҳезга риоя қила туриб, умримизни маълум муддатга узайтиришимиз мумкин. Бунга ҳар биримиз амал қилишга мажбуримиз, зеро, ўзимиз, оиламиз, яқинларимиз ва Ватан олдидаги масъулият шуни талаб қилади.

Пол БРЕГГ

Газетанинг навбатдаги сони 2014 йил 8 январь, chorshanba кuni чиқади.